



ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛИК ТАВСИФИ

Аллабергенов Музаффар*

Таянч сўзлар: жабрланувчи, жабрланишга мойил шахс, жинсий зўравонлик, гайриижтимоий хулқ-атвор, ўз жонига қасд қилиш, ҳуқуқбузар, жиноятчи шахс, криминоген вазият, ҳуқуқий онг.

Аннотация. Мақолада оила-турмуш муносабатлари доирасидаги тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда оиладаги низолардан жабрланишни олидини олиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Айбдор ва жабрланувчи шахс ўртасидаги ўзига хос муносабатлар ҳуқуқбузарлик содир этилишининг омили сифатида криминологияда қадимдан алоҳида эътиборни ўзига жалб этиб келган. Криминологик адабиётларда жабрланувчини жиноятнинг юзага келишидаги асосий омил деб кўрсатиб, содир этилган жиноятдан жабр етказувчи шахс ва унинг қурбони ўртасидаги ўзига хос муносабат оқибати эканлигини таъкидлаган [1].

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига асосан, “ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи деб – жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс” [2] тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг психологияси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хулқ-атвори ва бошқа маънавий-ахлоқӣ хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, жабрланувчи шахсларни илмӣ жиҳатдан ўраганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қилмишларини тадқиқ этиш виктимологик профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси магистратура тингловчиси.



аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотлар ички ишлар органларининг шахсларнинг ҳуқуқбузарлик жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Ҳуқуқий адабиётларда қайд этилганидек жабрланувчиларнинг кримнологик тавсифи унинг жиноят содир этилишидан олдинги, жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи, шунингдек айнан жиноят таъсирида вужудга келган ҳамда жиноят содир этилишидан кейинги аҳволига қараб берилади[3]. Бизнингча, жабрланувчига бериладиган бундай тавсиф кўпроқ виктимологик нуқтаи назардан аҳамиятга эга бўлиб, буни “виктимологик тавсиф” деб айтиш тўғрироқдир.

Виктимологик нуқтаи назардан айтганда, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этилган ҳуқуқбузарликлардан, шу жумладан жиноятлардан жабрланганлар шахсининг тавсифи, уларнинг жиноят содир этилиш механизмида тутган роли, хусусиятлари, типологияси ҳаётда бундай тоифага кирувчи шахсларга қаратилган виктимологик мазмундаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказилишига ҳамда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда оила-турмуш муносабатлари доирасида аёллар, болалар ва кексаларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Хусусан, ҳар йили аёлларнинг 38 фоизи, 1,5 миллиардгача болалар оилада турли кўринишдаги зўравонлик ва шафқатсиз муомалага, Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда[4].



Жаҳоннинг айрим давлатларида оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қабул қилинган махсус қонунларда оиладаги низоларни ҳал қилиш, ундан жабрланган шахсларга ижтимоий, тиббий, рухий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган ва махсус марказлар ташкил этилган. Лекин, оиладаги зўравонликдан жабрланганларнинг аксарияти ушбу марказларга мурожаат қилмаслиги сабабли мазкур ҳуқуқбузарликлар латентлик даражасининг юқорилиги сақланиб қолаётгани ушбу муаммонинг илмий ва амалий ечимини топиш долзарб вазифа эканлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг латентлик даражаси юқори бўлиб, кўпинча жабрланувчи ўзига нисбатан содир этилган қилмишлар ҳақида ёрдам сўраб мурожаат этиш ҳолатлари кам учрайди. Баъзида содир этилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда ҳам, жабрланувчи оилани сақлаб қолиш мақсадида ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида тан жароҳати олганлигини ёки ҳуқуқбузар шахснинг содир этган хатти-ҳаракатларини кечириб ўзаро ярашиб олганлигини важ қилиб ҳаттоки қўзғатилган жиноят ишини тўхтатишни сўрайди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддасида белгиланган жиноятлар бўйича судларда кўрилган ишларнинг 76,3% тарафлар ярашганлиги сабабли тугатилган. Модомики, жиноят ишини тугатишнинг имкони бўлмаган бўлса, жабрланувчи дастлабки тергов ва суд муҳокамаси пайтида айбдорнинг айбини юмшатишга, ҳатто содир этилган жиноятни тўла инкор этишга ҳаракат қилиб, оиласининг бузилиб кетишига йўл қўймасликка ва уни сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларнинг виктимлик хусусиятлари шундаки, улар содир этилган жиноий тажовузни ҳеч кимга сездирмасликка, бошқалар олдида шарманда бўлмасликка, ўз келажагига салбий таъсир кўрсатмасликка ҳаракат қилишади.



Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, маиший соҳада жинсий дахлсизлик ва эркинликка қилинган тажовузларнинг латентлик даражаси юқори бўлиб, унга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлади: а) жабрланувчи ҳаёт тажрибасининг камлиги ва ҳуқуқий онгининг юқори даражада эмаслиги; б) кўрқоқлик, шарманда бўлишга йўл қўймаслик, гап-сўзларга қолмаслик каби хусусиятларнинг мавжудлиги; в) вояга етмаганнинг келажакдаги турмушига мазкур ҳолатнинг салбий таъсир кўрсатишидан кўркиши; г) айбдорнинг яқин қариндошлари ёки дўстлари орқали жабрланувчини кўрқитиши ва ҳ.к.

Малумки, жиноятдан жабрланган шахснинг ҳолати, ҳуқ-атвори, турмуш тарзи, ҳуқуқбузарнинг онгида жиноят содир этиш истагининг пайдо бўлишига ва жамиятга зид ҳаракатлар қилишига имкон яратади. Қизиғи шундаки, оиладаги низолардан жабрланган шахслар аслида айбдордан умуман шубҳа қилишмаган, чунки жабрланувчилар ҳуқуқбузарнинг энг яқин кишилари бўлишган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оила турмуш доирасида содир этилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг 32,8%да жабрланувчининг салбий ҳуқ-атвори, 25,0%да жабрланувчи билан айбдор ўртасида юзага келган келишмовчилик, 19,0%да жабрланувчининг айбдорга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилганлиги, 14,0%да жабрланувчи билан айбдорнинг биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги виктимологик омил сифатида намоён бўлган.

Ушбу жиноятлардан жабрланган шахсларни асосан унинг ожиз аъзолари бўлган болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлар ташкил этади. Хусусан, жабрланганларнинг 58,5% аёллар, 31,9% вояга етмаганлар, 5,8% қариялар ва 3,8% ногиронлар ташкил этмоқда.

Жабрланувчи шахсларнинг маълумот даражаси ўрганиб чиқилганида, уларнинг 2,2% ҳатто бошланғич маълумотга ҳам эга бўлмаган, 8% тўлиқсиз маълумотга, 60,9% ўрта маълумотга, 21,2% ўрта махсус, 1,5% тўлиқсиз олий, 16% эса олий маълумотга эга эканлиги аниқланди.



Оила турмуш доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шароитларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: а) маъмурий ҳудудларда низоли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, ундаги муҳитни яхшилаш борасида профилактик ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги; б) профилактика инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғини раислари, хотин қизлар масалалари бўйича мутахассис, маҳалла жамоатчилик посбони билан ҳамкорликда нотинч оилалар билан етарли даражада профилактика ишларини тизимли ва манзилли амалга оширмаганлиги; в) оила турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган яқка тартибдаги профилактик ишларнинг йўлга қўйилмаганлиги; г) спиртли ичимликка ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахсларни ўз вақтида аниқлаб, уларни мажбурий даволаш муассасаларига юбориш бўйича чоралар кўрилмаганлиги ва ҳ.к.

Оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш борасида қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: *биринчидан*, маъмурий ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни ташкил этиш; *иккинчидан*, оила турмуш доирасида зўравонликка дучор бўлаётган шахслар ўртасида мақсади яширинган ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда ушбу қилмишларнинг латентлигини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; *учинчидан*, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш; *тўртинчидан*, оиладаги зўрликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш; *бешинчидан*, ИИОнинг профилактика ҳисобига олиш учун асос бўладиган МЖТКнинг тегишли моддаларида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид маъмурий ишларни кўриб чиқувчи органлар билан



ички ишлар вазирлигининг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни профилактик ҳисобга олиш учун асос бўладиган қарорни ички ишлар органларига ўз вақтида юбориш механизмини назарда тутувчи қўшма қарорини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш; *олтинчидан*, оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чораларини ўз вақтида, мақсадли ва тизимли ўтказишни таъминлаш мақсадида “Турмуш” комплекс профилактик тадбирларини ўтказиш тартибини белгиловчи намунавий дастур ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; *еттинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар билан ҳамкорликда аҳолига, айниқса хотин-қизлар ва ёшларга психологик ёрдам кўрсатиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган тезкор чораларни кўриш ҳамда шахсда бундай ҳуқ-атвор шаклланишига йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Криминология: / Дарслик. –Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. –Б. 429.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. –Т., 2014.
3. Пайзуллаев Қ.П.Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2007. –Б. 146.
4. <http://www.maailmakool.ee/wp-content/uploads/2017/11/prezentacyja-hlava-10.pdf>.